

Менинг уйимда Аллоҳга осийлик бўлмасин



07:20 / 15.07.2019 2207

Муҳаммад ибн Холид Доббий айтади: «Хайсама ибн Абдурраҳмон ибн Абу Самура касал бўлмагунича унинг Қуръонни қандай ўқишини билмас эдик. Бир куни унинг аҳволи оғирлашиб қолди. Хотини унинг ёнида ўтириб, йиғлади. Хайсама хотинига: «Ўлим ҳақ-ку, нега йиғлайсан?» деди. Хотини: «Сиздан кейин менга эркаклар ҳаром бўлсин» (яъни «эрга тегмайман»), деди. Эри унга: «Хайсаманинг истаги бу эмас. Мендан кейин бир кишигагина тегишингдан қўрқаман – у ҳам бўлса, акам Муҳаммад ибн Абдурраҳмонга, чунки у фосиқ одам, шароб ичади. Кунига уч маҳал Қуръон тиловат қилинадиган бу уйимда шароб ичилишидан ташвишдаман», деди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан